

XVI. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблаш - Миллий ҳисоблар тизимининг халқаро статистика стандартларига, Халқаро меҳнат ташилотининг тавсияларига, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосланган Давлат статистика қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган идоралараро методик қўлланма асосида амалга оширилади.


Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда қуйидаги манбалардан фойдаланилади: Давлат статистика ҳисоботи маълумотларидан, шунингдек, мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиklarининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжалиklари даромадлари ва харажатларини ўрганиш бўйича танлама кузатув маълумотларидан, бундан ташқари Молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий Банк, Халқ Банки, Давлат солиқ қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирlikларининг аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотларидан.

Аҳолининг умумий даромадлари - доимий ёки такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралигидаги даврда, уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган пул ва натура шаклидаги тушумлардан ташкил топади.

Дастлабки маълумотларга қўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадлари 64,9 трлн. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 108,6 % реал ўсиш суръатига эришилди.

2019 йилнинг январь-март ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръатлари


(2018 йилнинг мос даврига нисбатан, %)



Аҳолининг умумий даромадлари нафақат ёлланма ишловчиларнинг меҳнат фаолиятидан олган даромадлари, балки мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар, мол-мулкдан олинган даромадлар (фоизлар, дивидендлар, муаллифлик ҳақи, бошқа мулкӣ даромадлар), трансфертлардан олинган даромадлар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа жорий трансфертлар) дан иборат.

2019 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадларининг 73,9 % ни бирламчи даромадлар ташкил қилган бўлса 26,1 % трансфертлардан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

2019 йилнинг январь-март ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби




2019 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятидан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 66,0 %) шаклланди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,6 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 5,3 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 26,1 % ни ташкил қилди.

2019 йилнинг январь-март ҳолатига ҳудудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркиби

(жами аҳоли умумий даромадларига нисбатан, %)




Ҳудудларнинг аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар) энг юқори улуши Навоий вилоятида (80,2 %) кузатилди. Тошкент шаҳри, Самарқанд, Наманган, Хоразм, Андижон, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Республика бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар ва мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши сезиларли даражада бўлмасда, Тошкент шаҳрида бундай даромадларнинг улуши 21,3 % ни ташкил этган.

Шунингдек, трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши Самарқанд, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида аҳоли умумий даромадларига нисбатан 30 % дан юқорини ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида мазкур даромад турининг улуши энг паст яъни, 16,2 % ни ташкил этди.

Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг манбаларидан бири - бу мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар бўлиб, ушбу даромадларнинг улуши 33,6 % ни ташкил этди. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг 0,35 % га ўсишига олиб келди.

Худудлар бўйича мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1 % га ўсишининг аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсишига таъсири, %



Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромад - мустақил равишда ташкиллаштирилган ва уй хўжалиги аъзолари жалб қилинган меҳнат жараёни натижасида олинган даромадлар ҳисобланади.

Масалан, Жиззах вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг улуши 48,2 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 114,2 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадлар Жиззах вилояти аҳоли умумий даромадларининг 7,3 % га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Бухоро вилоятида 40,6 % улуш ва 124,4 % ўсиш суръати, аҳоли умумий даромадларининг 9,8 % га ўсишини таъминлаб берди.

Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда ҳудудларнинг улуши, %




Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Самарқанд (11,9 %), Тошкент (11,4 %) ва Фарғона (8,8 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган ҳудудлар Сирдарё вилояти (2,5 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,5 %) ҳамда Навоий (4,7 %) вилояти ҳисобланади.

Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг кейинги манбаи ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳисобланади. 2019 йилнинг январь-март ойларида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари 32,4 % ни ташкил қилди.

Жорий даврда ёлланма ишчилар даромадларининг ўсиш суръати 128,9 % ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадларининг номинал ҳажмининг 8,9 % ўсишини таъминлади.

Ҳудудларда ёлланма ишчиларнинг даромадлари турлича бўлиб, 23,0 % дан (Самарқанд вилоятида) 45,1 % гача (Навоий вилоятида) ўзгариб туради.

Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, %




Худудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ёлланма ишчилар даромадларининг аҳоли умумий даромадларига нисбатан улуши ва уларнинг ўсиш суръатининг юқорилигига қараб сезиларли таъсир кўрсатганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги ПФ-5553-сон Фармониға мувофиқ, 2018 йилнинг 1 ноябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилди.

Масалан, Навоий вилоятида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 45,1 % ни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 124,5 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи вилоят аҳолиси умумий даромадларининг 10,8 % га ўсишини таъминлаб берди.

Худудлар бўйича ёлланма ишчилар даромадлари ўсишининг аҳоли умумий даромадлари номинал ўсишига таъсири, %




Тошкент шаҳрида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши 40,0 % ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 128,2 % ни ташкил этди. Биргина ушбу турдаги даромадларнинг ўзи шаҳар аҳолиси умумий даромадларининг 11,5 % га ўсишини таъминлаб берди.

Худди шундай Қорақалпоғистон Республикасида эса 38,6 % улуш ва 129,8 % ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 11,0 % га ўсишини таъминлаб берди. Тошкент вилоятида 36,1 % улуш ва 128,8 % ўсиш суръати аҳоли умумий даромадларининг 9,8 % ўсишини таъминлаб берди.

Шунингдек, аҳоли даромадлари манбаларидан яна бири **мол-мулкдан олинган даромадлар** бўлиб, 2019 йилнинг январь-март ҳолатига ушбу даромад манбаининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,1 % пунктга ошди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулкий даромадлар асосий улушга эга бўлиб, унинг улуши 68,3 % ни ташкил қилади. Кейинги ўринларда дивидендлар – 21,8 %, облигациялар, депозитлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва муаллифлик ҳақи – 9,9 % ни ташкил қилди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркиби, %



Бошқа мулкний даромадларга корхона ва ташкилотлар томонидан иш ҳақи, дивиденд ва фоизларлардан ташқари **жисмоний шахсларга ҳисобланган даромадлари киради**. Шунингдек, мазкур даромадларга рента ва тадбиркор (хусусий корxonанинг мулкний эгаси ёки фермер хўжалигининг раҳбари) ихтиёрига (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлагандан сўнг) ҳисобланган фойда ҳам киради.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-март ҳолатига аҳоли умумий даромадлари таркибида жами мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 5,3 % ни ташкил этди.

Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири сезиларли даражада эмас. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар аҳоли умумий даромадларининг номинал ҳажмининг атиги 1,3 % ўсиш суръатини таъминлади.

**2019 йилнинг январь-март ҳолатига мол-мулкдан
олинган даромадлар**

	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	100,0	124,6
Қорақалпоғистон Республикаси	1,3	141,1
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	1,5	116,2
Бухоро	2,6	121,4
Жиззах	0,8	134,7
Қашқадарё	2,0	118,7
Навоий	1,0	112,2
Наманган	3,8	154,2
Самарқанд	4,4	130,3
Сурхондарё	1,4	126,3
Сирдарё	0,8	127,2
Тошкент	6,8	128,3
Фарғона	3,3	109,1
Хоразм	2,5	121,3
Тошкент ш.	67,8	123,8


Республика аҳолисининг мол-мулкдан олинган даромадларида ҳудудлар улуши турлича. Жорий даврда мол-мулкдан олинган даромадлар умумий ҳажмининг учдан икки қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига (67,8 %) тўғри келган бўлса, бошқа ҳудудларнинг улуши анча паст кўрсаткични қайд этди.

Аҳолининг умумий даромадлари таркибида **трансфертлардан олинган даромадлар** ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади.

Трансфертлар - бу уй хўжаликларига бошқа уй хўжаликларидан, давлат томонидан, юридик шахслардан, чет элдан келиб тушадиган ҳамда келгусида қайтарилиши шарт бўлмаган товарлар, хизматлар ва активлардир.

2019 йилнинг январь-март ойлари маълумотларига кўра трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 121,6 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши 0,3 % пунктга камайди ва 26,1 % ни ташкил этди.

Ижтимоий трансфертлар таркиби, %




Кузатилаётган даврда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати 129,8 % ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида 82,4 % улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди.

2018 йилнинг мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари 127,4 % ни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг 3,5 % га ўсиш имконини берди.

Ижтимоий трансфертларнинг турлари бўйича ўсиш суръатлари, %



Ижтимоий трансфертларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2019 йилнинг январь-март ҳолатига барча ҳудудларда ушбу даромад тури ўсиш тенденциясига эга бўлган, Тошкент шаҳри (134,1 %) ҳамда Навоий (131,3 %), Тошкент (130,6 %), Қашқадарё (130,4 %), Бухоро (130,1 %) ва Жиззах (129,9 %) вилоятларида республика даражасидан юқори ўсиш суръатлари қайд этилди.

Республика бўйича жами пенсиялардан олинган даромадларнинг учдан бир қисми (35,3 %) Тошкент шаҳри (13,9 %), Тошкент (10,9 %) ва Фарғона вилоятлари (10,5 %) ҳиссасига тўғри келди. Тошкент шаҳрида ушбу даромад манбаининг ўсиш суръати 134,4 % ни ташкил этган бўлса, Тошкент вилоятида 129,8% ва Фарғона вилоятида эса 126,0 % ни ташкил этди.

Ижтимоий трансфертларнинг таркибида ижтимоий нафақаларнинг улуши 13,3 % бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 146,5 % га ўсди. Нафақаларнинг энг юқори ўсиш суръати Бухоро вилоятида (156,0 %) кузатилди. Шунингдек, Андижон (153,3 %), Фарғона (150,3 %), Сурхондарё (149,2 %), Қашқадарё (147,8 %) ва Наманган вилоятларида (147,5 %) республика даражасидан юқори ўсиш суръати қайд этилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида стипендиялар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 129,6 % га ўсди, ижтимоий трансфертлар таркибидаги улуши эса 4,3 % ни ташкил этди. Республика бўйича жами ажратилган стипендияларда энг юқори улуш Тошкент шаҳри ҳиссасига (32,8 %) тўғри келди.


2019 йилнинг январь-март ҳолатига ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръатлари (2018 йилнинг мос даврига нисбатан, %)

	Жами ижтимоий трансфертлар	шу жумладан:	
		пенсиялар	нафақалар
Ўзбекистон Республикаси	129,8	127,4	146,5
Қорақалпоғистон Республикаси	127,7	123,9	144,7
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	128,4	124,4	153,3
Бухоро	130,1	127,5	156,0
Жиззах	129,9	125,8	146,4
Қашқадарё	130,4	126,5	147,8
Навоий	131,3	130,2	144,6
Наманган	128,1	124,1	147,5
Самарқанд	128,8	126,9	140,0
Сурхондарё	128,9	124,7	149,2
Сирдарё	128,9	126,9	141,6
Тошкент	130,6	129,8	142,3
Фарғона	128,7	126,0	150,3
Хоразм	126,7	124,5	138,9
Тошкент ш.	134,1	134,4	143,7

Жорий йилнинг январь-март ойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 1,1 трлн.сўм миқдорида нафақа ва моддий ёрдамлар ажратилган. Шундан 52,5 % бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва 47,5 % республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган.


Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 октябрдаги “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги №ПФ-5553 сонли Фармонида мувофиқ, 2018 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб бюджет ташилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори 1,1 баравар оширилиб, республика бўйича ойлик энг кам иш ҳақи - 202 730 сўм; ёшга доир пенсиялар - 396 500 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа - 396 500 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа - 243 300 сўм миқдорида белгиланди.

**2019 йил январь-март ҳолатига ҳудудлар кесимида ижтимоий нафақаларнинг
молиялаштириш манбалари бўйича ўсиши
(2018 йилнинг мос даврига нисбатан, %)**



2019 йилнинг январь-март ойлари бўйича бошқа жорий трансфертлар таркибига кирувчи республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг номинал ўсиш суръати 115,1 % ни ташкил этиб, аҳоли умумий даромадлари таркибидаги улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,0 фоиз пунктга камайди. Ушбу даромадларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадлари номинал қийматининг 2,2 % га ўсишини таъминлаб берди.

Ҳудудлар бўйича умумий даромадлар таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг улуши, %



Жорий даврда аҳоли умумий даромадлари таркибида республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмаларининг энг юқори улуши Самарқанд (19,6 %) вилоятида кузатилди.

Шунингдек, Андижон (18,4 %), Сурхондарё (17,3 %), Хоразм (17,2 %), Наманган (15,0 %), Бухоро (15,0 %), Қашқадарё (14,2 %) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (14,1 %) республика даражасидан юқори улушни ташкил этди.


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлар 1,9 млн. сўмни ташкил этди (реал ўсиши - 6,6 %). Шунингдек, аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари бўйича Тошкент шаҳри (4,7 млн. сўм), Навоий (3,0 млн. сўм), Бухоро (2,2 млн. сўм), Тошкент (2,1 млн. сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

**2019 йилнинг январь-март ҳолатига Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари ҳажми,
минг сўм**



Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юкори реал ўсиш кўрсаткичи Тошкент шаҳрига (14,6 %) тўғри келди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси (9,0 %), Бухоро (7,0 %) ва Сурхондарё (6,7 %) вилоятларида аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юкорини ташкил этди.

**2019 йилнинг январь-март ҳолатига Ўзбекистон Республикаси
худудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадларининг
реал ўсиш суръатлари, %**



**2019 йилнинг январь-март ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари
қисмида аҳолининг реал умумий даромадлари**

	<i>Жами, млрд.сўм</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, %</i>	<i>Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўм</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	57 272,3	108,6	1 719,1	106,6
Қорақалпоғистон Республикаси	2 539,4	110,7	1 356,1	109,0
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	4 424,9	106,2	1 440,4	104,3
Бухоро	3 700,2	108,4	1 950,2	107,0
Жиззах	1 976,7	106,9	1 458,5	104,7
Қашқадарё	4 447,3	106,5	1 381,4	104,4
Навоий	2 562,5	108,8	2 611,9	106,4
Наманган	3 409,4	106,9	1 236,2	104,8
Самарқанд	5 680,3	106,1	1 492,3	103,9
Сурхондарё	3 459,1	109,0	1 343,2	106,7
Сирдарё	1 299,1	108,3	1 562,5	106,5
Тошкент	5 423,7	106,3	1 868,4	104,9
Фарғона	4 772,0	106,4	1 293,4	104,6
Хоразм	3 119,6	105,5	1 697,0	103,6
Тошкент ш.	10 528,2	116,8	4 183,9	114,6

2019 йилнинг январь-март ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли умумий даромадлари ҳажмида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши 54,9 % ни ташкил этди.

Ҳудудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадларнинг улуши, %



Аҳоли умумий даромадлари таркибида кичик тадбиркорликдан олинган даромадлар Жиззах (63,0 %), Хоразм (61,1 %), Бухоро (59,1 %) ва Самарқанд (59,1 %) вилоятларида сезиларли улушни эгаллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириши ва соддалаштириши, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5409-сон Фармониға мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

2019 йилнинг январь-март ойлари дастлабки маълумотларига кўра, аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар 58,8 трлн. сўмни (реал ўсиш суръати – 109,4 %), аҳоли жон бошига ихтиёридаги даромад эса 1765,1 минг сўмни (реал ўсиш суръати – 107,4 %) ташкил этди.

Аҳоли ихтиёридаги даромад - умумий даромаддан тўғри солиқларни (уларнинг қайтарилишини ҳисобга олган ҳолда), мажбурий йиғимлар ва жарималар ҳамда бир уй хўжалигига бошқа уй хўжалиги томонидан берилган моддий ёрдам пулларини чегириши орқали ҳисобланади.

2019 йилнинг январь-март ҳолатига аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлари

	<i>Жами, млрд.сўм</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	58 806,9	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	2 621,6	4,5
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	4 615,5	7,8
Бухоро	3 877,3	6,6
Жиззах	2 091,1	3,6
Қашқадарё	4 683,3	8,0
Навоий	2 636,7	4,5
Наманган	3 539,2	6,0
Самарқанд	6 096,7	10,4
Сурхондарё	3 654,6	6,2
Сирдарё	1 345,8	2,3
Тошкент	5 650,8	9,6
Фарғона	4 982,8	8,5
Хоразм	3 341,5	5,7
Тошкент ш.	9 669,4	16,4

Аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларнинг асосий улуши Тошкент шаҳри (16,4 %), Самарқанд (10,4 %) ва Тошкент (9,6 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган ҳудудлар Сирдарё (2,3 %) ва Жиззах (3,6 %) вилоятлари ҳисобланади.

Жами аҳоли ихтиёридаги умумий даромадларда ҳудудларнинг улуши, %



Ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадлар Тошкент шаҳри (3842,5 минг сўм) ҳамда Навоий (2687,5 минг сўм), Бухоро (2043,5 минг сўм), Тошкент (1946,7 минг сўм), Хоразм (1817,7 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди. Энг паст кўрсаткичлар эса Наманган (1283,3 минг сўм) ва Фарғона вилоятларида (1350,6 минг сўм) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (1400,0 минг сўм), кузатилди.

**2019 йилнинг январь-март ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига
ихтиёридаги умумий даромадлари ва реал ўсиш суръатлари**

	<i>Аҳоли жон бошига, минг сўмда</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш суръати, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	1 765,1	107,4
Қорақалпоғистон Республикаси	1 400,0	109,7
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	1 502,4	104,1
Бухоро	2 043,5	108,0
Жиззах	1 542,9	103,9
Қашқадарё	1 454,7	104,3
Навоий	2 687,5	106,8
Наманган	1 283,3	104,0
Самарқанд	1 601,7	103,9
Сурхондарё	1 419,1	106,6
Сирдарё	1 618,8	105,7
Тошкент	1 946,7	104,3
Фарғона	1 350,6	103,5
Хоразм	1 817,7	104,0
Тошкент ш.	3 842,5	122,1

**Худудлар бўйича аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий
даромадларнинг реал ўсиш суръатлари
(2018 йилнинг мос даврига нисбатан, %)**



Аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш суръати Тошкент шаҳрида (122,1 %) қайд этилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси (109,7 %) ҳамда Бухоро вилоятида (108,0 %) аҳоли жон бошига ихтиёридаги умумий даромадларнинг реал ўсиш суръати ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткични ташкил этди.